

## «Ҳоким кубоги»ни қўлга киритишда ТИҚХММИ Бухоро филиали жамоалари пешқадамлар сафида

5 та муҳим ташаббусининг ижроси ҳамда мамлакатимизда ёшларнинг ижтимоий – маънавий билимларини янада мустаҳкамлаш ва амалий кўникмаларини ривожлантириш, иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги ижтимоий фаоллигини ошириш ҳамда ёшларни Ватанимиз, халқимиз, миллий қадриятларимиз, тарихий – маънавий меросимизга ҳурмат ва садоқатли қилиб тарбиялаш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, ижодий салоҳияти ва уларнинг ўз иқтидорларини намойиш этиш учун имконият яратиш мақсадида олий таълим муассасалари талаба-ёшлари ўртасида «Қувноқлар ва зукколар» кўрик-танловининг «Ҳоким кубоги» мусобақаси эълон қилинган эди. Танлов олий таълим муассасалари факультетларидаги талаба ёшлардан иборат жамоалар ўртасида ташкил этилмоқда.



Мазкур кўрик танлов низомига асосан филиалнинг 2 факультетидан 2 тадан 4 та жамоа: Янги юлдузлар, тикток, онлайн, миллиард! Бухоро вилояти Ёшлар Марказида бўлиб ўтган шоу тарзидаги концерт дастурида 400 нафарга яқин томошабинлар йиғилишиди. Кўрик-танлов кўтаринки, позитив кайфиятда бўлиб ўтди. Дастур якунида жамоаларнинг камчилик ва хатолари ҳакамлар ҳайъати томонидан таъкидлаб ўтилди.



Беллашув натижаларига кўра филиал шаънини битта терма жамоа ҳимоя қиласди. Финал яъни Бухоро вилойининг 4 ОТМ терма жамоалари ўртасидаги ўйин яқин кунларда Арк қўрғонида бўлиб ўтиши кутилмоқда. Филиалнинг «Ирригатор» терма жамоасига омад тилаб қоламиз.

**ТИҚХММИ Бухоро филиали матбуот хизмати**  
**ТИҚХММИ матбуот хизмати**